



## АЗИЗИДДИН НАСАФИЙНИНГ ҲАЁТ ЙЎЛИ ВА ИЖОДИЙ МЕРОСИ

*Казакова М.Қ.*

*Қарши Давлат университети  
Бошланғич таълим кафедраси доценти*

**Таянч сўзлар:** маънавий мерос, таълим - тарбия, илмий-методик жиҳат, камолот, баркамол авлод, кадрият.

**Ключевые слова:** духовное наследие, образование - образование, научно-методический аспект, совершенство, идеальное поколение, значение...

**Key words:** spiritual heritage, education - education, scientific and methodological aspect, perfection, ideal generation, value .

Азизиддин Насафий ҳижрий 700 йилларнинг (милодий 1200-1300 йиллар) йирик файласуф шоири ва буюк тасаввуфчиларидан бири бўлган. У мазкур даврнинг йирик суфийси Саъдуддин Ҳамавийнинг муриди ёки бошқача айтадиган бўлсак шогирди ҳисобланган. Азизиддин Насафий ўзининг кўплаб асарларида у кишини хурмат ва эҳтиром ила “кекса (пир)”, “мурод”, “бизнинг шайх” ва бошқа номлар билан атаган. Азизиддин Насафий Қорахонийлар, Салжуқийлар, Ғазнавийлар ва муғул хонларининг босқинчилик, талон-тарожлик даврида яшаган. Бу вақт аҳолининг барча қатламларини, жумладан фан ва маданият аҳлини сиқувга олинган пайтига тўғри келади. Натижада, уларнинг кўпчилиги ўзларининг кадрдон манзилларини ташлаб ўзга юртларга бош-пана излашдан бошқа чоралари қолмаганлиги таъкидлаб ўтилган. Бобокалонимиз Азизиддин Насафийнинг ҳам бу қисматдан қутилиш имкони бўлмаган. Эҳтимол, буюк мутафаккирнинг бой мероси ўрганилиши тадқиқотчилар эътиборидан четда қолганлигининг сабаби ҳам балки шундадир. Эронлик тадқиқотчи Махдавий Домғаний бу ҳақда қуйидагича ёзади: “Улкан илмий меъросининг мавжудлигига қарамасдан ушбу буюк инсон номаълумлигича ва ўрганилмаганлигича қолиб келган. Ундан тасаввуф ва илмий ижодда анча пастда турадиган кишилар кўпроқ ўрганилганлигининг са-

баби ҳам шундадир” . Кўплаб мутафаккирлар билан бирга Абдурахмон Жомий ҳам Азизиддинни амалга оширган ишларини эътибордан четда қолдиришган ва ҳаётда уни омадсиз деб қарашган, Домғаний эса уларни фикрига қўшилмаслигини қайд этган.

Азизиддин Насафий ҳақидаги бундай ҳолатни Домғаний қуйдагича изоҳлайди: “...бир сўз билан айтганда бу беташвиш ва ҳилватни ёқтирадиган тасаввуф номоёндаси манбаларнинг қайд этишича шахсан, машҳурлик ва таниқлиликдан кўра машҳур бўлмасликни, тарки-дунёчиликни афзал билган” .

Мазкур тадқиқотчининг сўзлари ҳақиқатдир. Маҳмуд Домғанийнинг фикрларига қўшилган ҳолда айтишимиз мумкинки, мутафаккирнинг асарлар ва солномалар муаллифлари диққат эътиборидан четда қолишининг сабабларидан бири – унинг ҳаётий беҳаловатлиги бўлса, бошқа сабабларидан бири эса унинг тарки дунёчилиги ва зоҳидлигидадир. Бу мутафаккирнинг “камтарлик машҳурликдан устунроқдир” деган фири билан ҳам ўз тасдиғини топади.

Азизиддин Насафий ҳақида биринчилардан бўлиб антология муаллифи (таскирачи) Ҳусайн Бойқоро “Мажлис ал ушшоқ” (Севишганлар мажлиси)да маълумотлар беради. Сўнгра эса Ризоқулихон Хидоят “Риёзул-орифин” (Тасаввуфчилар боғи) да юқоридаги муаллифнинг фикрларини деярли такрорлаб ўтади. Бир қанча бошқа антологиялар (таскирлар) муаллифлари ҳам Ҳусайн Бойқоро маълумотларини такрорлайди. Бошқа муаллифлар эса бу маълумотлар билан чекланмаган ҳолда ривоят ва нақилларни ҳам келтириб ўтганлар.

Аммо, Европа шарқшунослигида Азизиддин Насафий алоҳида эътибор ва ўринни эгаллайди. Европа тадқиқотчиларида тасаввуф ва сўфизимга ўзига хос муносабат ҳамда боғлиқлик мавжуд. Хусусан, Ғарб тадқиқотчилари бошқа тадқиқотчиларга қараганда Азизиддин Насафийнинг ижодини ўрганишга алоҳида эътибор қаратишган.

1665 йилда Август Мюллер Насафийнинг “Мақсад-у-ақсо” (“Олисдаги мақсад”) номли китобини бир неча қисмини лотин тилида нашр эттирди. Шундан сўнг, узоқ йиллар давомида сўфизм бўйича классик иш ҳисобланган “Суфизм кўзгуси” деб номланган асарда унинг муаллифи Солвак Август Мюллернинг ишидан манба сифатида фойдаланган. Ўн тўққизинчи асрга келиб шарқшунос олимлар Ф.Толюк ва Е.Пальмерлар Азизиддин Насафийнинг меросига мурожат қилишди. Пальмер “Мақсад-у-ақсо” (“Олисдаги мақсад”) асарига изоҳлар ва шарҳларни чоп эттиради. Шундан сўнг эса ўтган асрнинг ўрталаригача немис шарқшуноси



Фриц Мейер Азизиддин Насфийнинг иккита асарига “Кашфул ҳақойиқ” ва “Ат- Танзил” (“Ерга юборилган тухфа”) асарига эътиборини қаратмагунча давом этди. У мазкур асарлар қўлёзмасини Истанбул кутубхонасида учратади ва Азизиддин Насфийнинг ҳаёти, ижодига бағишлаб унча катта бўлмаган асар ёзиб чоп эттиради. Кейинчалик унинг бу асари кўплаб шарқшуносларнинг эътиборини ўзига қаратади ва улар Мейернинг ушбу асаридан фойдаланишади.

1964 йилда Море Жан Мола Азизиддин Насфийнинг “Инсони комил” номли асарлар тўпламини кенгайтирилган кириш қисми билан француз тилида чоп эттиради. Эронлик тадқиқотчи Аҳмад Маҳдавий Домғаний 1965 йилда Азизиддин Насфийнинг “Кашф-ул-ҳақойиқ” асарини тайёрлаб чоп эттиради. Рус шарқшунос олими А.Е.Бертельс “Беш фалсафий асар” деб номланган китобида “Афок ва анфус” мавзусида Азизиддин Насфийнинг “Зубдат-ул-ҳақойиқ” асарини рус тилидаги таржимасини шу китобида жойлаштирди. “Кашф ул ҳақойиқ” (“Ҳақиқатлар кашфи”) асари мутафаккирнинг энг қизиқарли ва ажойиб асарларидан бири ҳисобланади. Унда Азизиддин Насфий билишнинг асосий муаммоларини қараб чиқади ва турли диний-фалсафий оқимлар нуктаи назарини объектив равишда баён этади. Шариат тарафдорлари, бирлашиш тарафдорлари таълимоти ва суфийлик оқимларини у шу асарида ёритиб берди. Асарда уларнинг қарашларини, айтганларини ҳеч қандай қўшимча ва ўзгаришларсиз келтириб, унинг ниҳоясида мутафаккирларнинг у ёки бу мулоҳазаларига ўз муносабатини ифода этади.

Азизиддин Насфий ўзининг “Мабдаъ ва маод” (Чиқиш ва қайтиш) асари ҳақида фикр билдириб, унинг айтишича бу асар ҳажми жиҳатида жуда катта бўлиб, маълумотсиз кишилар учун уни тушуниш қийин кечадиган асардир. Шу сабабдан ҳам улар мутафаккирдан “Мабдаъ ва маод” асарини асосий мазмун-моҳиятини қисқартирилган шаклда баён қилиб беришини сўрашади. Азизиддин уларни илтимосини инобатга олиб, мазкур асарни, яъни “Мабда ва маод”ни қисқартирилган вариантини яратади ва уни “Зубдат-ул-ҳақойиқ”

(“Ҳақиқатлар қаймоғи”) деб номлайди. Насафий бошқа асарларидагидек “Зубдат-ул-ҳақойиқ” асарида ҳам мавжуд турли фалсафий таълимотларнинг тарихий қиёсий таҳлилини келтиради, жумладан, макро ва микро дунёни билишга нисбатан, “манба” ва “қайтиш”, “пасайиш” ва “кўтарилиш” кабиларни қиёсий таҳлил қилиб беради. Мутафаккир объектив тарзда бирор-бир гуруҳни фикрига қўшилмаган ҳолда уларни таълимотларини баён қилади.

Насафийнинг айтишича “Баёни танзил” (“Нузул баёни”)ни бир гуруҳ дарвишлар ундан ҳажми жиҳатидан “Танзил”дан катта ва “Кашф ул ҳақойиқ”дан кичик бўлган китоб ёзиб беришни илтимос қилишади. Бу китоб таркибига кўра “Танзил” шаклида ёзилиб, тўққиз бобни ташкил қилади. Юқорида айтиб ўтилган асарлардан ташқари манбалар Азизиддин Насфийнинг қаламига мансуб бўлган кўплаб китоблар яратилганлиги ҳақида айтишади, аммо мазкур асарларни айнан Азизиддин Насфийга тегишли эканлиги баҳслидир, яъни маълумотлар аниқ эмас. Азизиддин Насфийдан мерос бўлиб қолган асарлар Истанбул, Техрон, Лондон, Калкутта, Вена ва Санкт Петербург ва Душанбе шаҳарлари кутубхоналарида сақанмоқда. Республикамизда Нажмиддин Комилов томонидан ўзбек тилига Азизиддин Насафийнинг “Зубдат-ул-ҳақойиқ” асари таржима қилинди ва 2001йилда чоп этирилди. У кишининг “Тасаввуф” номли асаридаги комил инсон ҳақидаги фикрлари асосини Азизиддин Насафий асарлари негизидаги талқин ётади.

Шу билан бирга, Азизиддин Насафийнинг “Комил инсон китоби” таркибидаги бешинчи ва еттинчи рисоалари, яъни “Сулук баёнида” ва “Ишк баёнида” рисоалари адабиётчи изланувчи Олим Давлат томонидан ўзбек тилига таржима қилиниб, китобхонларга тақдим этилган

Лекин, бу асарлар нашр этирилиши ҳам орадаги бўшлиқни тўлдира олмайди. Чунки, Азизиддин Насафийнинг ҳаёт йўли ва ижодини ўрганишдаги қийинчиликлар, унинг исми ва таҳаллусини маъносини аниқлашда ҳам учрайди. Суфизимнинг баъзи-бир намоёндалари уни “Азизуддин” деб, баъзилари эса “Абдулазиз” ёки қисқача қилиб “Азиз” деб, бошқалари эса унинг тўлиқ исми “Абдулазиз Муҳаммад ибн Муҳаммад ан-Насафий” деб атайдилар, бу эса ҳақиқатдан йироқдир. Шу сабабдан ҳам у кишининг ҳақиқий исми ҳақидаги маълумотлар ҳалигача жуда кўп баҳс-мунозарага сабаб бўлиб келмоқда. “Зубдат-ул-ҳақойиқ” асарининг мундарижасида келтирилишича бу файласуфнинг исми Шайх Азизиддин Насафий деб битилганлиги сабабли бу ҳақиқатга яқинроқдир. Тахминларга кўра Насафий исми у яшаган даврга бориб тақалади. “Кашф-ул-ҳақойиқ”, ҳамда “Китоб инсон -ал-комил-фи маърифат-ал-вофир” асарларининг кириш қисмларидаги унинг сўзлари мазкур ҳолатни тасдиқлайди. Мутафаккир ўз асарлари тўпламини айнан шу исм ва шу усул билан бошлаган яъни, “кучсизлар дармонсизлиги ҳақида гапирувчи ва ожизлар хизматкори Азиз ибн Муҳаммад Насафи, ...” .

Азизиддин Насафий тахминан 1240 йилда Насаф шаҳрида (ҳозирги Қарши шаҳрида) дунёга келган. У кишининг отаси маълумотга эга ўқи-



мишли киши бўлган бўлса керак. Ёшлик чоғларини туғилган кадрдон шаҳрида ўтказди ва дастлабки саводини шу ерда чиқарган. Шундан кейин, илм олишни давом эттириш мақсадида Бухорога келади ва таҳсил олишни ўша ерда давом эттиради. Азизиддин Насафий 1273 йилда Бухорони тарк этиб, Хуросонга йўл олади, бир неча вақт Баҳрабодда устози Шайх Саъиддин Ҳумавийнинг уйида яшайди, кейинчалик эса Исфохон ва Шерозга йўл олади. Кун ва тунни хар хил жойларда ўтказиб, ўзи учун қулай бўлган истоқомат жойини топа олмайди .

Насафийнинг таъкидлашига кўра у умрини кўп қисмини йўлда ва бегона юртларда сарсон-саргардонликда ўтказган, бу беҳаловатлилик, танҳолик унинг шаклланиши ва ҳаётида ўчмас из бўлиб қолади.

Азизиддин Насафийнинг Ватани бўлмиш Насаф ёки Нахшаб 13-асрда Мавароуннаҳрдаги энг эътиборли нуфузли шаҳарлардан бири ҳисобланган. Чунки, Насаф шаҳри маданиятининг юқорилиги, шу даврдаги ўзининг маърифатли кишилари билан машҳур бўлган. Насаф ёки Нахшаб шаҳри Мавароуннаҳрдаги ривожланишига кўра катта шаҳарлардан бири саналган.

Тарихий манбаларда Насаф мустақил вилоят сифатида қайд этилиб, ислом дини кириб келгунига қадар ҳам ривожланиши нуқтаи назаридан жуда юқори ҳисобланган. Насаф шаҳри ҳукмдорининг салтанати султон салтанатига тенглаштирилган .

Домғонийнинг таърифлашича Насафнинг шуҳрати ва таъсири султон даражасида ва бу ҳақда Хурдодбех ўзининг “ал-Масолик вал-мамолик” асарида Нахшаб ҳукмдорини “Нахшабоншоҳ” яъни Насаф Шоҳи деб атайди.

Насаф ва унинг тарихи ҳақида кўплаб солномачилар ва таскирачи-лар бир қанча маълумотларни ёзиб қолдиришган. Хусусан, Муқаддаси Башори “Ақсон ун-тақсим” асарида, Ёқубий ўзининг “Ал-булдон” (“Доно билимдон”) асарида, “Худуд ал-олам” муаллифи Ибн Хурдодбек ўзининг “ал-Масолик вал-мамолик” асарларида Насаф ҳақида бир қанча маълумотларни келтириб ўтганлар. Шунингдек атрофлича маълумотларни Ёқубийнинг “Муъчам-ул-булдон” ва Казвинийнинг “Осор ул-булдон” асарларида ҳам топиш мумкин. Махдавий Домғаний қайд этиб ўтилган манбалардаги маълумотларга таяниб, инглиз шарқшунос тадқиқотчиси Лустаранджунинг “Шарқ Халифатидаги ерлар” асарида Насаф шаҳри ҳақида атрофлича, жуда қимматли маълумотларни келтириб ўтганлигини қайд этади.

Шуни айтишимиз мумкинки, Азизиддин Насафий лаганбардорлик қиладиган ва мукофот кутувчи сўфийлардан бўлмаган. У таркидунёчиликни танлади, дунёнинг лаззатларидан ва бойлигидан кўра илм ўрганиш фойдалидир деб ҳисоблади. Билгилки, сулук шарти олтитадир. Биринчиси, тарк эрур - мол-дунё, амал-мансаб ҳаваси, маъсияту ёмон хислатларни тарк этмокдир. Иккинчиси - сулҳдир. Яъни олам аҳли билан бирваракайига сулҳ қилур, бировга қўли ё тили билан озор бермас, шафқат ва марҳаматини ҳеч кимдан дариф тутмас, ҳаммани ўзидек ожиз, бечора ва толиб деб билур. Учинчиси -узлат, тўртинчиси - хомушлик, бешинчиси - очлик, олтинчиси сеҳр ҳақида билим ҳосил қилиш эрур деб таъкидлаб ўтган.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак Азизиддин Насафийнинг комил инсон тарбиясига доир қарашлари саккиз юз йил ўтса ҳам ўз қадр-қимматини йўқотмаган. дунёда глобал муаммо саналган инсонпарварлик яъни шахс маънавиятини шкллантиришда дастурул амал манбалиги билан аҳамиятлидир.

#### Адабиётлар:

1. Ахмад Махдави Домғони. Мукаддима ба «Кашф-ул-ҳоқиқ». -Техрон, 1353х. 18-б.
2. Азиз Насафи. Китоб инсон-ал-комил-фи маърифат-ал-вофир. 16-б.
3. Азизиддин Насафи. Китоб -ул - инсон. – 95-б
4. Абдурафеъи Хакикат (Рафъ). Таърихи ирфон ва орифони Эроний. - Техрон, 1372,- 23 б.
5. Насаф ва Кеш тарихи манбаларда / Республика илмий-назарий конференцияси материаллари. Масъул муҳаррир О.Бўриев. – Тошкент: Қарши давлат университети, 2010. – 3-бет.
6. Комилов Н.Тасаввуф. 1–китоб. Тошкент, Ёзувчи, 1996, 147-152-б.

#### РЕЗЮМЕ

Бугунги кунда мамлакатимизда Шарқ мутафаккирлари меросини ўрганиш бўйича қўлланмишлар бошлаб юборилди. Жумладан, Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг “Қадимги ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора - тадбирлари тўғрисида”ги 2017йил 24-майдаги Қарори асосида мукаддас динимиз, миллий кадрларимизни, буюк азиз-авлиёларимизнинг хотираси, меросини тиклаш, қадамжоларини обод қилиш бўйича жуда кўплаб ишлар қилинди ва қилинмоқда. Ушбу мақола қадимий ва ҳаммиша навқирон Насаф (ҳозирги Қарши) заминидан туғилган аждодимиз Азизиддин Насафийнинг ахлоқий-маънавий меросининг таълим – тарбия жараёнидаги аҳамиятига тўхталамиз.

#### РЕЗЮМЕ

Масштабное изучение наследия восточных мыслителей уже началось в нашей стране. В частности, президент Мирзиёев Ш. на основании Постановления от 24 мая 2017 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы сохранения, изучения и популяризации древних письменных источников» Много работы было проделано и продолжается. Эта статья посвящена важности морального и духовного наследия нашего предка Азизиддина Насафи, который родился на земле древнего и вечно молодого Насафа (ныне Карши).

#### SUMMARY

A large-scale study of the heritage of Eastern thinkers has already begun in our country. In particular, President Mirziyoyev Sh. On the basis of the Decree of May 24, 2017 “On measures to further improve the system of preservation, study and popularization of ancient written sources”, a lot of work has been done and continues.